

ШАРТНОМА № 26637 сонли

«10» 06 2022 йил Андижон шаҳар

«Андижон нефт базаси» МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Қ. Юсунов бундан кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилувчидир томондан ва «Имомабегим Шоев МЧЖ» бундан кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилувчи, узининг тегишли хужжатлари (устав, гувоҳнома) асосида фаолиятини олиб боровчи номидан Низом асосида иш кўрувчи корхона раҳбари Д. Ахмедов иккинчи томондан мазкур шартномани туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1. «Бажарувчи» мазкур шартнома бўйича «Буюртмачи»нинг буюртмаси асосида у айтган талаблар асосида ишчи ходимлар учун махсус кийимлар тикиб бериш мажбуриятини олади.

2. «Буюртмачи» эса «Бажарувчи»га шартномага мувофиқ экология текширувга тегишли лозим бўлган ишлар хужжатларни такдим этади, бажарилган ишларни қабул қилиш ва қонунчиликда белгиланган тартибда бажарилган ишлар учун тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

2.1. Мазкур шартнома бўйича, махсус кийимлар тикиб бериш бўйича «Бажарувчи» томонидан бажариладиган ишлар қиймати 99.000.000 сўмни ташкил этади.

2.2. Ишлар қиймати узил кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас.

қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми «Буюртмачи» томонидан ўзгартирилганда.

2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар «Буюртмачи» ва «Бажарувчи» ўртасидаги шартномага қўшимча келишув битими билан расмийлаштирилади.

3. БАЖАРУВЧИ ВА БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. Буюртмачи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

3.2. «Узбекнефтгаз» АЖнинг 2019 йил 23 декабрдаги 114-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Узбекнефтгаз» АЖ томонидан шартномаларни тузишда бажарувчиларга белгиланган саноат ва атроф муҳит хавфсизлиги, соғлиқ ва меҳнат хавфсизлиги соҳасидаги талаблар тўғрисидаги Низомга риоя этиш. Буюртмачи ва Бажарувчидан ташқари учунчи шахсларга маълумотларни тарқатиш амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ёки Буюртмачининг ёзма розилиги билан такдим этиш.

3.3. Буюртмачининг экология текширувдан утган даврининг молиявий хужалик фаолиятида назорат қилувчи органлар томонидан қонун бузилиш ҳолатлари аниқланганда мулкӣ жавобгар бўлиш

3.4. Буюртмачи бажарувчидан қуйидагиларни талаб қилишга ҳақлидир:

- Ўз вазифаларини тўғри бажариш
- Лицензия ва гувоҳномаларини сўраш
- иш жойлари ва ишчи ходиимлари малакаси бўйича маълумотлар сурааш
- Республиканинг амалдаги қонунчилигига каътий риоя қилиш.

3.3 Буюртмачи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- Бажарувчи ушбу шартнома мавзусини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этади.

- Буюртмачи тақдим этилган ҳужжатларни тўғрилигига жавобгардир.

- Буюртмачи талабларини бажариш сифатига салбий таъсир кўрсатиши ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига зид бўлса дарҳол хабар қилиши керак

- махсус кийимларни белгиланган муддат ва талаблар асосида тайёрлангандан сўнг буюртмачига белгиланган тартибда тақдим этиши керак.

3.4 Ишларни бажариш давомида Буюртмачи томонидан талаб қилиб бориладиган маълумотлар ва шошилиш (оператив) сўровларни ўз вақтида ва белгиланган муддатларда тақдим этади;

3.5. Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.6 «Бажарувчи» мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда тайёр маҳсулотларни ўз вақтида топшириш учун Буюртмачи олдида тўлиқ ҳамда мулкий жавоб беради.

4. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР.

4.1 Шарноманинг тузилаётган вақтдаги умумий шартномавий-жорий қийматининг 15 фоизи 148 50 000 сўм миқдоридagi аванс тўловни амалга оширади. Қолган тўловлар «Буюртмачи» билан «Бажарувчи» ўртасида имзоланган далолатномаларга асосан 22 кун мобайнида амалга оширилади.

4.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ (тўловни молиялаштириш органи (инвестор) томонидан таъминлаб берилган муддатлардан кечикмаган ҳолда) амалга оширилади.

4.3 Ҳисоб-китоб шакли: «Бажарувчи»нинг банкдаги ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

5. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ.

5.1 Агар ушбу шарнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги тарафларнинг хоҳиш-истагига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, яъни уруш ҳаракатлари, эпидемия, табиий офатлар ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

5.2 Мазкур шарнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати, енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек, ушбу ҳолатлар юзага келган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

5.3. Агар энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлар ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда «Бажарувчи» «Буюртмачи» ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

6. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1 Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини тўлиқ ёки зарур даражада бажармаган тақдирда, айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида ва амалдаги бошқа қонунчилик ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган бошқа тартибда жавобгар бўладилар.

7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

7.1. Ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Тарафлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

7.2. Ушбу шартнома мажбуриятларини бажараётганда Тарафлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

7.3. Ушбу шартнома Тарафларининг ҳар бири бошқа Тарафнинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда қуйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиклиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

7.4. Агар Тарафлардан бири мазкур шартноманинг 3-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Тарафни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Тараф ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаглиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборилиши керак.

7.5. Ёзма хабарномада Тараф контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантирилиши лозим.

7.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда

Тарафлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Тарафлар коррупциявий фаолиятга Тарафларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

7.7. Тарафлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

7.8. Тарафлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

7.9. Тарафлар ушбу шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Тараф учун ҳам, шунингдек, хабар берган Тарафнинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

8. ШАРТНОМАНИ КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

8.1 Мазкур шартнома тарафлар ўзи имзолаган пайтдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 53-сонли қарорига мувофиқ шартнома Ҳазначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилган кундан кучга киради.

8.2 Шартномани амал қилиш муддати томонларни ўзаро тўловларни ҳисоб-китобини амалга оширгунигача қадар давом этади.

8.3 Шартномани бир томонлама бекор қилишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

8.4 Мазкур шарнома бир хил юридик кучга эга бўлгани ҳолда 2(икки) нусхада тузилади.

8.5 Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб, кучга киради ва амал қилиш муддати «31» 12 2022 йилгача.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

«БУЮРТМАЧИ»

«Андижон нефт базаси» МЧЖ Андишон
шаҳар
Ахтачи саноат ҳудуди А.Ашуров кучаси
№10
Х/Р: 22604000700285788702
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Яшнаобод
филиали
Инн: 200240109 МФО: 00432
Тел: (74) 291-11-22

Қ. Юсупов

м.ў.

м.ў.

«БАЖАРУВЧИ»

«Имонабегим шоес» МЧЖ
АИТБ «Ипак йўли» АИҲ. филиали
Х/Р: 20208000605072476001
МФО: 01120
ИНН: 306399377

